

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов
академияси проректори в.в.б.нинг
2025 йил 23 сентябрдаги
3-ум-сон буйруғига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Одил Судлов академияси
Хўжалик бўлими тўғрисидаги
Низом

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси” (кейинги ўринларда — Академия) таркибидаги Хўжалик бўлимининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Хўжалик бўлими Академия раҳбариятига бўйсунувчи мустақил таркибий бўлинма ҳисобланади.

3. Хўжалик бўлими ўз фаолиятида ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, Академия Устави ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

4. Бўлим фаолияти Академиядаги моддий-техника таъминоти, бинолар ва иншоотларнинг сақланиши, жорий ва капитал таъмир ишлари, озиқ-овқат, хом ашё, инвентар ва бошқа ресурслар билан таъминлашни ташкил этишга қаратилган.

Бўлимнинг расмий номи:

- давлат тилида – Хўжалик бўлими;
- инглиз тилида – Economic Department;
- рус тилида – Хозяйственный отдел.

2-боб. Хўжалик бўлими вазифалари

5. Хўжалик бўлими қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

Академиянинг бинолари, хоналари ва иншоотларини тозалик, тартиб ва соф ҳолатда сақлашни таъминлаш;

Академия биноларининг электр, иситиш, сув таъминоти ва канализация тизимларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

Мебеллар, жиҳозлар, иш қуроллари, компьютер техникаси ва бошқа асосий воситаларнинг бутлиги ва улардан самарали фойдаланишини назорат қилиш;

Академиядаги барча моддий қимматликларни ҳисобга олиш, қабул қилиш ва беришни ташкил этиш;

Академия ходимларини хўжалик воситалари, иш ускуналари ва хом ашёлар билан таъминлаш;

Академиядаги таъмир-қурилиш ишларини режалаштириш ва бажарилишини таъминлаш;

Озиқ-овқат, маиший хизмат, ташиш ва хўжалик ишлаб чиқариш хизматларини ташкил этиш;

Ёқилғи-энергия ресурсларидан тежамли ва мақсадли фойдаланиш чораларини кўриш;

Академия худудида хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

Академиянинг озодалик ва эстетик кўринишини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш.

3-боб. Хўжалик бўлими ҳуқуқлари

6. Хўжалик бўлими қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Академия раҳбарияти олдида хўжалик-техника таъминотига оид масалалар бўйича таклифлар киритиш;

Академия ходимларидан моддий қимматликларни сақлаш ва тўғри фойдаланиш бўйича ҳисобот талаб қилиш;

Зарур ҳолларда хўжалик соҳасидаги ташаббуслар билан чиқиш;

Таъмир ва таъминот ишларини бажариш учун ташқи ташкилотлар билан шартномалар тайёрлаш ва мувофиқлаштириш;

Академия раҳбарияти томонидан берилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

4-боб. Хўжалик бўлими ходимларининг мажбуриятлари

7. Бўлим бош мутахассиси ва ходимлар:

Академиянинг барча хўжалик ишлари юзасидан шахсий жавобгар ҳисобланади;

Юқори ташкилотлар ва Академия раҳбарияти буйруқларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаради;

Академия моддий қимматликларини асраб-авайлайди ва тежамли сарфлайди;

Ҳисоб-китоб ҳужжатларини аниқ, тўғри ва ўз вақтида расмийлаштиради;

Академия ходимлари учун қулай меҳнат шароитларини яратишга кўмаклашади.

5-боб. Бошқарув ва ҳисобот тартиби

8. Хўжалик бўлимига бош мутахассис раҳбарлик қилади.

9. Бош мутахассис Академия ректори (ёки проректори) томонидан тайинланади ва вазифасидан озод этилади.

10. Бош мутахассис Академия раҳбарияти олдида бўлим фаолияти юзасидан ҳисобот беради, режалар ва ҳисоботларни тайёрлайди.

11. Бўлимда ишларни тақсимлаш, назорат ва ҳисобот юритиш ички тартиб қоидалари асосида амалга оширилади.

6-боб. Яқуний қоидалар

12. Ушбу Низом Одил судлов академияси хўжалик бўлимининг асосий ҳужжати ҳисобланади.

13. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низоли ҳолатлар Академия Устави, ички норматив ҳужжатлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

14. Низом Академия ректори томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

15. Мазкур Низомга Академия ректорининг буйруғига мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.